

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 20 май, № 97 (6027) Сешанба


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ШАНХАЙГА КЕЛДИ

*ШАНХАЙ, 19 май. ЎзА махсус мухбири Баҳодир ЭРГАШЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарини Шанхай шаҳрининг «Хунцяо» халқаро аэропортида ХХРнинг расмий шахслари тантанали равишда кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни икки томонлама учрашув ўтказади. Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари стратегик шерикликнинг устувор мақсадли вазифалари ва мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли масалаларини атрофлича муҳокама қилади.

Президент Ислом Каримов 21 май куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қитъада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Кенгашнинг асосий мақсади кўп томонлама муносабатларни ишлаб чиқиш орқали бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг кузатувчилари ҳисобланади.

**(ЎзА).**




## «Ўзбекистон — жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутган мамлакат»

*Фахр ва ғурур туйғуси инсонга илҳом, завқу шавқ бағишлайди. Уни ватанпарварликка, ота-боболардан мерос азалий хислатларни қадрлашга ундайди. 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференция давомида хорижлик олимлар, мезбону меҳмонлар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир карра амин бўлдик.*

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юксак савияда уюштирилган мазкур анжуман АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Япония, Жанубий Корея, БАА, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Кувайт, Малайзия каби дунёнинг элликка яқин мамлакатидан келган вакилларда чуқур таассурот қолдирди. Айниқса, халқаро конференцияда давлатимиз раҳбарининг маърузаси, юртимизда рўй бераётган беқиёс бунёдкорлик ишлари уларда алоҳида қизиқиш уйғотганини бот-бот эътироф этишди.

**(Давоми 2-бетда).**

## «Ўзбек халқининг буюк фарзандлари замонавий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси юксакдир»

*"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбирлари "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларининг ушбу анжуман ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.*

**Хуберт ГИЗЕН, ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани минтақавий бюроси директори:**

— Президент Ислом Каримовнинг конференция очилиш маросимидаги чуқур мулоҳазали ва мазмунли нутқи менда катта таассурот қолдирди. Унда жамият тараққиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб масалалар тилга олинди.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қиладиган ёшлар ўз мамлакати учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр бўлган ҳаракатчан инсоний ресурсдир. Президент Ислом Каримов ўз чиқишида қайд этганидек, энди ёшлар улуғ аждодлари анъаналарига амал қилган ҳолда давлат ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш орқали ўзларини намоён қилишлари лозим. Бунинг учун, энг аввало, яхши таълим тизими зарурдир. Бундай тизим эса мамлакатингизда мавжуд.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЗАМОНАВИЙ, МАЛАКАЛИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ



***Аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.***

Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратилган маблағлар



**407** миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади.

ТИББИЁТ

Бугун мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида мукаммал ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бу борада, айниқса, Президентимиз Фармонига мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид Давлат дастури алоҳида ўрин тутмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга биноан, қатор ихтисослаштирилган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикка аниқ ташхис қўйиб, самарали муолажа усулларини қўллаш имконини бермоқда. Хусусан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига тезкор равишда сифатли тиббий хизматдан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилгани ҳар қанча эътирофу таҳсинга лойиқ.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати муассасаларида буткул янгича, ўзига хос тизимга амал қилинмоқда. Ушбу марказлашган тизим асосида ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиал иш юритаяпти.

**(Давоми 4-бетда).**

## Ўзбекистон банк тизими:
# ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ, ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК, МУНОСИБ БАҲО

*Ватан мустақиллигидан кўра азизроқ саодат йўқ. Энг улуғ ва буюк неъматлар, шак-шубҳасиз, фаровонлик, тараққиёт, тинчлик ва осойишталикдир. Президентимиз раҳнамолигида биз озод ва обод мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этмоқдамиз. Айни кунларда истиқлолимизнинг 23 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олишга ҳар бир жабҳада астойдил тайёргарлик кўраяпмиз. Бинобарин, бу байрам ҳар йили бутун халқимизга ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётимизнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини янада теранроқ намоён этади.*

*Айниқса, кейинги йилларда юртимизда барқарор ва ишончли банк тизимини яратишга катта эътибор қаратилиб, ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.*

*Дарҳақиқат, мамлакатимиз банк тизимида шундай самарали ва аниқ механизм йўлга қўйилгани муваффақиятлар давомийлигини таъминлаб, жаҳондаги нуфузли рейтинг агентликлари томонидан "Ўзбекистон банк тизими — барқарор" рейтинг баҳоси берилишида мустаҳкам асос бўлди.*

*Ушбу сўзларимизнинг исботи тариқасида хорижликлар ва юртимиз аҳолисининг бу борадаги фикрларини, Марказий банк томонидан банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, салмоқли натижалар, тижорат банклари кўмагида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар нечоғлик юқори самара бераётгани хусусидаги дил изҳорларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.*

ИСЛОҲОТ

**Ван СЯШОУ, Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг ижрочи вице-президенти (Хитой Халқ Республикаси):**

— Хитой Ўзбекистонни буюк қўшни, қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга бўлган ҳамда ўз олдига қўйган мақсадлар сари дадил бораётган мамлакат сифатида билади. Инвестициявий ҳамкорлик Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг муҳим йўналишларидандир. Ушбу алоқалар айни пайтда ҳар икки томон учун устувор лойиҳалар ҳисобидан кенгайиб, барча йўналишларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Халқларимиз икки минг йилдан зиёдроқ давр мобайнида Буюк Ипак йўлида ўзаро яқин ҳамкорликда бўлиб келган. Президент Ислом Каримов томонидан икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган 22 йил давомида томонларнинг умумий саъй-ҳаракати туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатлари барча соҳада изчил ривожланмоқда.

Бугун Ўзбекистон том маънода дунёга юз тутмоқда. Унинг обрў-эътибори тобора юксалиб бораяпти. Албатта, бундай юксак марраларга эришиш, энг аввало, мамлакатингизнинг гуллаб-яшнаши йўлида мисли кўрилмаган бунёдкорликларнинг амалга оширилиши, яъни давлатингиз раҳбари томонидан ўзбек халқининг келажагини ўйлаб қилинган ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Юртингизда кўп маротаба бўлганман. Ҳар қайси ташрифимда шаҳару қишлоқларингизда юзлаб ҳашаматли бинолар қад кўтараётгани, йилдан-йилга кўзни қувонтирадиган замонавий юк ва енгил автомашиналари ишлаб чиқарилаётганлиги, шунингдек, заводу фабрикалар кўпайиб бораётгани, энг муҳими, халқингизнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётгани эътиборимни тортади.

Ўзбекистонга сафар чоғида, шунингдек, улуғвор қадим тамаддунни акс эттирадиган мовий гумбазлар остида барпо этилган меъморий обидаларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Мамлакатингизнинг қадимий тарихини ва бой маданиятини ҳис қилдик. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Юртингизда яратилган қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити эса хорижий ҳамкорлар сони ошишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, иқтисодиёт соҳасида қилинаётган ишлар эътиборга моликдир.

Хусусан, банк-молия тизимини ислоҳ этиш борасида давлатингиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар, инқирознинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатингиз банк тизимини улкан муваффақиятлар сари етаклаб, барқарор ишлашига имкон берди. Бу сизнинг улкан ютуғингиздир.

Дунёдаги айрим давлатлар иқтисодиётига назар солсак, уларда глобал иқтисодий инқироз ўз таъсирини ўтказиб, банк тизими катта миқдордаги моддий зарар кўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробар камайиб кетишига, натижада капиталлашув даражаси кескин пасайишига олиб келганини кўрамиз.

**(Давоми 2-бетда).**

## Қисқа сатрларда

● Шу кунларда Истиқлолимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда.

● **"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига "Саломатлик" поезди жўнатилди.**

● Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиалида "Кардиологияда юқори технологик даволаш ва диагностика усулларининг татбиқ этилиши" мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбир доирасида республикамизнинг етакчи кардиологлари томонидан маҳорат дарслари ўтказилиб, юрак хасталикларини даволашда замонавий усуллардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

● **Гулистонда "Юксак маънавиятли авлод" республика иқтидорли ёшлар фестивалининг Сирдарё вилояти босқичи якунига етди. Унда ёшлар Президент асарлари билимдони, илм-фан, тасвирий ва амалий санъат, миллий мусиқа ҳамда санъат, бадиий ижод каби йўналишлар бўйича ўз билим ва истеъдодини намойиш этди.**

● Термизда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифаларига бағишланган давра суҳбатида маҳаллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш журналистлар малакасини, соҳа ходимлари масъулиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

● **Андижонда бўлиб ўтган "Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг меваси" мавзуидаги илмий-амалий анжуманда фарзанд тарбияси, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлиги муҳокама этилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# «Ўзбек халқининг буюк фарзандлари замонавий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси юксакдир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тўққиз йиллик умумий таълим ҳамда коллеж ва лицейлардаги ўқишдан сўнг ёшлар ўз келажагини мустақил танлайдилар. Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ёрқин келажак қуришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияни ўтказиш жойи сифатида белгиланган Самарқанд шаҳри нафақат Шарқнинг энг йирик маданий-маърифий маркази, балки кўплаб улуғ олим ва мутафаккирларни дунёга тақдим этган маскандир. Мен ўзбек халқининг Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа буюк фарзандларининг замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрнини юксак баҳолайман. Илм-фан йўналишларининг ривожланишидаги бебаҳо ўрни билан бир қаторда, уларнинг Марказий Осиё минтақаси ва ундан ташқарида маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашдаги инсоний салоҳияти ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Билимлар ва тажриба алмашинуви дунё цивилизацияси ривожига салмоқли таъсир кўрсатган буюк олимлар шахсининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шу маънода, уларнинг маданий ва илмий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолияти минтақа ва умуман, дунё замонавий жамияти учун муҳим ўрин тутади.

Самарқанд анжумани олимлар ва экспертлар ўртасида янги алоқаларни йўлга қўйишда қулай имконият яратади. У жамоатчиликни янги лойиҳа ва кашфиётларга сафарбар қилади. Бундан ташқари, ушбу форум умуминсоний меросни асраб-авайлаш бўйича янги режаларни ишлаб чиқишга туртки бериши баробарида, Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш йўлида улкан қадам сифатида хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, бутун ўзбек халқига ва шахсан Президент Ислом Каримовга халқаро конференцияни ўтказишдаги ташаббус ва қатъияти учун миннатдорлик билдираман. Бу дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам яхши намуна бўлишига ишончим комил.

**Криста ПИККАТ, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари:**

— ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Минтақавий ваколатхонаси раҳбари сифатида Самарқанд халқаро конференциясида қатнашаётганимдан мамнунман. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизен иштирок этаётган ушбу тадбир юксак даражада ташкил қилинган. У нафақат Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ижодини чуқур ўрганиш, балки уларнинг замонавий цивилизация ривожига қўшган ҳиссасини англаш учун имкон бериб, ёш авлодга, унинг келгусидаги илмий фаолиятига илҳом бахш этади. Ушбу халқаро тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани ҳолда, унда муҳокама қилинган масалалар барчамиз учун катта қизиқиш манбаи бўлишига ишончим комилдир.

**Асиф МАЖИД, БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий вакили вазифасини бажарувчиси:**

— Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференция очилиш маросимидаги нутқи менда жуда катта таассурот қолдирди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари тўғри қайд этганидек, Ўрта асрларда яшаб, ижод қилган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ҳамда уларнинг илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади. Юртингизнинг Самарқанд ва Бухоро сингари қадимий шаҳарлари гўзал меъморий обидалар қад кўтарган маскан ҳамда кўплаб улуғ олимларнинг Ватани сифатида бутун дунёда машҳурдир.

**«Жаҳон» АА.**
Самарқанд



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# «Ўзбекистон — жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутган мамлакат»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Президент Ислом Каримовнинг нутқи, илмий салоҳияти биз, олимларни чексиз ҳайратга солди, — дейди Германиянинг Штутгарт университети профессори Эрих Каспер. — Тан олиб айтаман, давлат раҳбарлари орасида бундай кишиларни ҳар доим ҳам учратавермайсиз. Жўшқин маърузани тинглаб, шу хулосага келдимки, Ўзбекистонда нафақат илм-фанга, унинг ривожига ҳисса қўшган Шарқ алломаларига, балки хорижлик олимларнинг ҳаёти ва фаолиятига бўлган эътибор ҳам юксак даражада экан. Бунинг исботини ўтказилган тадбирлар яққол кўрсатди.

Халқаро конференциядаги чиқиши чоғида Президентимиз япониялик машҳур археолог олим, "Дўстлик" ордени соҳиби Кюдзо Катонинг фидокорона меҳнатларини эътироф этиб ўтди. У бундан руҳланиб, ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, шундай деди:

— Ҳар қандай соҳа тараққиёти учун фойдали ва ажойиб анжуманда Ислом Каримов нутқини тинглаб, жуда таъсирландим. Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакрордир.

Уни атрофлича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк Ипак йўли тарихига дахлдор ноёб маълумотлар тарих, археология, санъатшунослик фанларининг янада бойиши ва кенгайишида муҳим аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон илм-фани, маданияти ривожида бемисл ҳиссаси борлигидан далолатдир. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепа каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга ишонч ҳосил қилдим.

Баъзан "Нега Японияда туғилган бўлсангиз ҳам Ўзбекистонда изланишлар олиб борасиз?" деб сўраб қолишади. Бунга жавобан тамаддунлар яралган шу муқаддас мамлакат Ватанимдек азиз ва қадрли эканлигини айтаман. Ўзбекистоннинг фахрий фуқароси эканлигимдан ғурурланаман. Сизлардек бағрикенг, софдил, хушфеъл халқ ҳеч қаерда йўқ. Фаолиятим ана шу одамлар билан бирга кечаётганидан бахтиёрман.

Кюдзо Катодан интервью олаётганимизни кузатиб турган яна бир япониялик нуфузли меҳмон — Киото хорижий тадқиқотлар университети профессори Исогаи Масуми ҳам ўзининг дил сўзларини изҳор этди.

— Ўзбекистонга беш марта келганман, — деди у. — Ҳар гал олам-олам таассуротлар билан қайтаман. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Президентингизнинг донишмандона нутқидан қаттиқ ҳаяжонландим. Шарқ алломалари ҳақида, улар қолдирган бебаҳо маънавий мерос хусусида тўлқинланиб гапириши, давлатингиз раҳбарининг ватанпарварлик, миллатпарварлигининг ёрқин ифодаси сифатида қалбимдан жой олди. Истайманки, бу юртдаги тинч ва осуда ҳаётга кўз тегмасин, эзгу фазилат ва анъаналарини эъзозлаб келаётган меҳмондўст ва олижаноб халқингиз бахтига Президентингиз ҳамиша омон бўлсин.

Хорижлик меҳмонлар, шунингдек, конференция давомида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларга ташриф буюриб, у ерда сабоқ олаётган истиқлол фарзандлари — ўзбек йигит-қизларининг хоҳ француз, хоҳ инглиз ёки араб, немис ва бошқа тилларда бурро-бурро мулоқотга киришишларидан астойдил завқланишди. Бу ҳақда Сингапур менежментни ривожлантириш институти бош котиби Раманатан Тейвендран қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил қилар экан. Шу боис Президент Ислом Каримов конференцияда таъкидлаганидек, мамлакатингизда "9+3" схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилгани таҳсинга сазовордир. Бу умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчиларнинг кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозорида талаб этиладиган турли мутахассисликлар бўйича касб-ҳунарларни эгаллашига хизмат қилаётгани жуда ҳам эътиборга лойиқдир. Бинобарин, бошқа мамлакатлар Ўзбекистоннинг таълим тизими моделидан ўрнак олса арзийди. Сафарим чоғида яна шунга гувоҳ бўлдимки, Ўзбекистон ёшлари ниҳоятда зукко ва билимдондир. Уларнинг тил ўрганишга иштиёқи баланд эканлиги, бундай қизиқишининг рўёбга чиқиши учун давлат раҳбарининг қарори билан умумтаълим мактабларининг биринчи синфиданоқ чет тилларни ўргатишга киришилгани қувонарли ҳолдир. Қайси бир коллеж ёки лицейга бормайлик, навқирон авлоднинг турли давлатлардан келган одамлар билан суҳбатлашишлари, тарихий алломалар тилга олинганда эса кўзлари чақнаб туришини, қатъиятни, юксак ишончни кўрдим. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатнинг буюк келажагини барпо этиш мақсадида таълим соҳасида олиб борилаётган улуғвор ислоҳотлар ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда. Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти мамлакатларимиз ўртасидаги фаол ҳамкорликнинг амалий натижаси бўлса, бу ерда дунёнинг энг нуфузли университетлари филиаллари сони йил сайин ошиб бораётгани, яқинда Жанубий Кореянинг етакчи таълим даргоҳи — Инҳа университети филиали ҳам ўз ишини бошлаши сизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир намунасидир.

Дарҳақиқат, меҳмонлар эътироф этишганидек, Ўзбекистонда барча соҳалар, айниқса, фан-таълим жабҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, соҳани ривожлантириш омиллари ибрат олишга, чуқур ўрганишга лойиқдир. Улар Ўзбекистон ёшлари ўзининг кенг дунёқараши, теран тафаккури ва мустақил фикрга эгалиги, билим салоҳиятининг юксаклиги билан ажралиб туришини ҳам таъкидлашди. Шунингдек, чет эллардан келган меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар зиёрати унутилмас воқеа бўлганлигини айтишди.

Жумладан, Нидерландиянинг Утрехт университети профессори Роберт ван Гент қуйидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Юксак савияда ташкил этилган нуфузли конференцияда Мирзо Улуғбекнинг астрономияга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маъруза ўқидим.

Халқаро конференция давомида, аввало, Ўзбекистон деб аталмиш тинч ва осуда юртга келганимдан қанчалик қувонган бўлсам, Самарқандда Улуғбек расадхонасини кўрганимдан шунчалик бахтиёрман. Зеро, буни кўп йиллардан буён орзу қилардим. Қолаверса, Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа обидаларнинг бетакрор меъморий услуби асл ҳолида сақлаб келинаётгани менда катта таассурот қолдирди.

Албатта, нуфузли тадбир давомида бундай ҳаққоний ва чин дилдан айтилган фикрларга жуда кўп шоҳид бўлдик. Италиялик меҳмон, Тор Вергата номидаги Рим университети профессори Луижи Аккардининг Амир Темур мақбарасига термилиб: "Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман. Аммо Ер юзини етти марта айлангандан кўра Самарқандни бир бора кўрган афзал экан", дейишидан, Деҳлидаги Умуммиллий Ислом университети халқаро тадқиқотлар академияси профессори Шоҳид Таслимнинг ким билан мулоқотга киришмасин, соф ўзбекча сўзлашидан, Қоҳира университети профессори Магида Махлуфнинг заминимизда камол топган алломаларимиз ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишидан ғуруримизга ғурур қўшилди. Умуман, жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонларнинг аллома аждодларимиз фаолиятига қизиқиши, бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг самарасига юксак баҳо беришлари, мамлакатимиздаги тинчлик, турмушимиздаги фаровонликка ҳавас билан қарашларини яққол англадик ва ҳис этдик. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида урғу берилганидек, қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина, илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди.

Ушбу халқаро конференция шуни кўрсатдики, Ўзбекистон танлаган мунаввар йўлидан, инсон манфаатлари улуғланган жамияти, орзулари ниҳоятда улкан меҳнаткаш, қалби пок, лафзи ҳалол халқи ва обод мамлакати билан ўз келажаги сари дадил қадам ташламоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ўзбекистон банк тизими: ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ, ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК, МУНОСИБ БАҲО

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда-чи? Яқинда жаҳоннинг энг нуфузли рейтинг агентликларидан бири — "Мудис" Ўзбекистон банк тизимига бешинчи йил барқарор рейтинг баҳосини берганлигини эшитдим. Албатта, ушбу рейтинг агентлигининг мазкур ижобий баҳосига сазовор бўлиш улкан ютуқдир. Чунки ушбу агентлик бу жараёнда дунё банклари олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, барча меъёрларга мос келишига алоҳида эътибор қаратади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, жаҳонда рўй бераётган глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери кўпгина мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Албатта, бунда банкларнинг бир маромда ишлаш стратегияси пухта ишлаб чиқилганлиги, ҳар бир банкка алоҳида ёндашилиб, капиталининг ўсишини бевосита назоратга олган ҳолда, активлари сифат жиҳатдан яхшиланиб борилишига жиддий эътибор қаратилиши ва шу асосда тизимли фаолият кўрсатаётганлиги диққатга сазовор. Ана шундай тизимли ва пухта ўйланган стратегия банк тизимининг барқарор ҳамда муваффақиятли ишлашида асосий омил бўлмоқда.

Яқинда Хитойда дунёнинг етакчи банк раҳбарлари, иқтисодчи олимлар қатнашган катта анжуманда ҳам юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар қайд этиб ўтилди. Шундай нуфузли анжуманда шахсан ўзим ҳам иштирок этиб, хорижий инвесторлар, йирик банк раҳбарлари томонидан юртингиз банк тизими бу борада, ҳақиқатан ҳам, ишончли кафолатланганлиги алоҳида эътирофини топаётганига амин бўлдим.

Албатта, бу ютуқлар моҳиятини Ўзбекистон Президенти банк тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилган ҳужжатларнинг ижроси банк тизими раҳбарияти томонидан жойларда тўлақонли бажарилаётганлигида, деб биламан.

Шу ўринда мамлакатингизда 450 дан зиёд Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият юритаётганлиги, банкларингиз томонидан қўшма корхоналар учун яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли яқиндан ҳамкорликда ишлаб келинаётганини қадрлаймиз ва ҳукуматимиз номидан банк тизимининг мутасадди раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Ванг Синг ХЕ, "PENG SHENG" қўшма корхонаси раҳбари (Хитой Халқ Республикаси):**

— Қўшма корхонамиз мамлакатингизда 2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Юртингиз банк тизимининг самарали ишлаётгани биз каби қўшма корхоналар фаолиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон банклари жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада иш олиб бормоқда, дейишга тўла асосим бор. Оддий мисол: бугун банк операцияларини офисимизда туриб, интернет орқали бошқарамиз.

Бизнинг корхонамизга нуфузли банклардан бири — "Турон" банки томонидан хизмат кўрсатилади. Ушбу банк мижоз манфаатларини кўзлаб фаолият юритаётгани корхонамиз муваффақиятини таъминламоқда. Кўп давлатларда бўлиб, уларнинг банклари билан танишганман. Шунга кўра, айта оламанки, юртингиз банклари тадбиркорга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб ишлаётганидан ҳар қанча фахрланса, арзийди.

Ўзим ўтган йили "Турон" банки раҳбариятига керамик плита ишлаб чиқариш учун 3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун мурожаат қилдим. Банк раҳбарияти мамнуният билан лойиҳамни маъқуллаб, қисқа муддат ичида белгиланган маблағни ажратиб берди. Бу кредит эвазига юқори сифатли технологик ускунани олиб келиб ўрнатдик. Сўзимнинг исботи сифатида банкнинг яқин ёрдами туфайли корхонамиз эришган ютуқларимиз билан таништирай.

Ўтган 2013 йилда 72,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан қарийб 10 млн. АҚШ долларлиги экспорт қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган ойлари давомида 16,2 млрд. сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 1,5 млн. долларлигини чет элга сотишга эришдик.

Юртингиз банк тизимига нафақат халқингиз, балки биз, қўшма корхоналар раҳбарларининг ҳам ишончимиз тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон банк тизимида қатъий тизим шаклланганлиги ҳар бир банкнинг пухта ва аниқ мақсад сари ишончли ҳамда кафолатли ишлашига имкон яратмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг юртимизга ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаши баробарида, Ўзбекистонда қўшма корхоналар сони ортишига, хитой ва ўзбек ишбилармонларининг бизнес фаолияти янада юксалишига имкониятлар яратмоқда. Президентингизнинг оқилона сиёсатини доимо қўллаб-қувватлаймиз ва қадрлаймиз.

Биз Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганимиздан хурсандмиз ва унинг келажаги буюклигига ишонамиз.

**Жин ЧЖОУ, "Янгизхоу Санхин Еквипментс" компанияси Бош директори (Хитой Халқ Республикаси):**

— Ўзбекистонда хорижий тадбиркорларнинг бизнес юритиши учун қулай имконият ва истиқболли сармоявий муҳит яратилган. Иқтисодий соҳада тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик, икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий алоқаларни кенгайтириш — мамлакатларимиз ўртасида жадал ривожланиб бораётган муносабатларнинг амалий тасдиғидир.

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, стратегик маҳсулотларнинг узоқ муддатли савдоси бўйича имзоланган ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, юқори технологияга асосланган соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик дастурлари ушбу муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг адолатли ва оқилона юритаётган сиёсати улуғ ўзбек халқининг бахтли ҳаёт кечириши, юрт тинчлигини сақлаш ва албатта, Ўзбекистон қисқа давр ичида ғоят катта халқаро обрў-эътибор қозониб, жаҳондаги энг нуфузли ва истиқболли мамлакатлар қаторидан жой олишига имкон берди.

Юртингизда кўп маротаба бўлганман. Мамлакатингиз банк тизимининг кўп қиррали фаолияти менда катта таассурот қолдирган. Хусусан, ёш йигит-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредитлар ажратилиши уларнинг хусусий корхона раҳбари сифатида шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Қолаверса, ўша ёш йигит-қизлар корхона раҳбари бўлиши билан бирга, иш ўринларини ҳам ташкил этади. Яна бир эътиборли томони шундаки, аста-секинлик билан бўлса-да, улар мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиб боради. Банк тизимининг ёшлар келажагини ўйлаб амалга ошираётган мазкур кучли стратегияси менинг Ўзбекистон банк тизимига бўлган ишончимни янада оширди. Мамлакатингиз банк тизимининг обрўси дунё банклари орасида тобора юксалиб бораверишига тилакдошман.

**Бён Чунг СОБ, "Daewoo Textile Bukhara" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси Бош директори (Корея Республикаси):**

— 2008 йилнинг февраль ойида давлатингиз раҳбари Ислом Каримов Корея Республикасига ташрифи чоғида "Daewoo Textile Bukhara" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг барпо этилиши тўғрисидаги шартнома имзоланди ҳамда ўша йилнинг 8 апрель куни унинг тақдимоти бўлди. Жанубий Корея томонидан 52,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилгач, бу ерга дунёнинг энг илғор ишлаб чиқариш корхоналари дастгоҳлари ўрнатилиб, катта ҳажмда пахта толаси, калава ип ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Албатта, корхонамиз ривожида банкларнинг алоҳида ўрни бор. Улар томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда катта имконият яратаяпти. Ишчилар сони ортиб, даромадимиз ҳам кўпаймоқда. Банк раҳбарларидан корхонамизни ривожлантириш мақсадида қандай ёрдам сўрамайлик, барчасига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишмоқда. Шу сабабли ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни 25 дан зиёд хорижий давлатларга экспорт қилишга муваффақ бўлаяпмиз. Бугунги кунда қўшма корхонамиз жаҳоннинг энг етакчи корхоналаридан бири эканлигидан фахрланамиз. Юртингизда тадбиркорларга яратилган қулай инвестициявий муҳит таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхоналари сони ҳам йилдан-йилга ошиб бораётганининг асосий омили мана шунда, деб биламан. Маълумки, бундай корхоналарнинг мавжудлиги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, мамлакатга валюта тушуми кўпайишига, энг муҳими, иш ўринлари ташкил этилишига имконият яратади.

Президент Ислом Каримов томонидан Жанубий Корея давлати ишбилармонларига яратилган имтиёзлар жудаям қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам, юртингизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларимиз катта ютуқларга эришмоқда. Бунинг учун давлатингиз раҳбаридан жуда миннатдормиз.

Ўзбекистон — ҳақиқатан ҳам, жаннатмонанд макон. Қўлга киритаётган ютуқларингиз, албатта, бизнинг ҳам ютуғимиздир. Бу юртда ишлаётганимиздан фахрланамиз, ўзбек халқининг бунданда ёрқин келажагига ишончимиз комил.

**Аноржон ВАПАЕВА, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоғи фуқароси:**

— Бугунги кунда Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларга қараб, инсоннинг ҳаваси ошади, тараққиётга муносиб ҳисса қўшгиси, изланган сари излангиси келади. Халқимиз тинч-осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. Табиий ҳамда интеллектуал бойликларга эга бўлган мамлакатимиз Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида йилдан-йилга изчил ривожланиб, дунёга юз тутмоқда.

Юртимизда ўтказилаётган халқаро конференциялар, ярмаркаларга дунёнинг юзлаб мамлакатларидан ташриф буюрган хорижий экспертлар, таниқли олимлар ва иқтисодчилар, ишбилармонлар бу ерда амалга оширилаётган янгиланишларга гувоҳ бўлишмоқда.

Ҳозир республикамизда нималар ишлаб чиқарилмайди, дейсиз? Замонавий енгил ва юк автомашиналари, экскватору тракторлар, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари — барисидан топилади.

Ёки болаларимизга берилаётган имкониятларга қаранг, ёшлар учун юзлаб коллежлар, минглаб замонавий мактаблар қурилди. Улардаги спорт мажмуалари, стадионларни айтмайсизми? Қад кўтарган муҳташам иншоотлар салобатига назар ташланг. Бутун Ўзбекистон бўйлаб барпо этилаётган кенг, равон йўллар, кўприклар, темир йўллар-чи?

Илгари кўп маҳсулотларимиз хориждан олиб келинарди, ҳозир эса банкларнинг яқин ёрдами билан улар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Очиғини айтиш керак, оммавий ахборот воситалари орқали кўриб-билиб турибмиз, ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг халқимиз учун барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас.

Бугун қайси бир банкка борсангиз, банк биноси мижозлар билан гавжум. Банкларимизда эса ресурс маблағлари етарли. Шунинг учун вилоятимизда барча тадбиркорларимиз ҳеч бир муаммосиз кредитлар олишмоқда. Банк ходимлари тадбиркору аҳолига яқиндан кўмак кўрсатиб келмоқда. Хусусан, одамларимиз банклардан кредитлар олиб, тадбиркорликни йўлга қўйган ҳолда, юқори даромадга эга бўлмоқда. Ўғил-қизларига тўйлар қилиб, янги машиналар сотиб олмоқда, турмуши обод бўлиб, бахтли яшамоқда.

Ўзбекистон фуқаролари бугун ҳеч кимдан кам бўлмасдан, аҳилликда тотув яшамоқда. Буларнинг барчаси Президентимизнинг оқилона сиёсати самарасидир, албатта.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистонни бутун дунё таниди. Ниятимиз — юртимизни тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олишига яқин кўмакдош бўлишдир.

Хуллас, мамлакатимизда Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида халқаро андозалардаги банк тизими яратилди. Зеро, олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, банк-молия тизимининг такомиллашувига боғлиқ. Бундан кейинги тараққиётимиз эса, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон банк тизимининг янада барқарор ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бунга қатъий ишонч уйғотади.

**Марказий банк материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.**

## ДАВРА СУҲБАТИ

*Пойтахтимизда “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари, хўжалик субъектлари вакиллари иштирок этди.*

# Давлат мулки ва қонунчилик

Таъкидланганидек, бугунги кунда, иқтисодиётимизда давлат мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”-ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда.

Шу билан бир қаторда, мазкур меъёрий-ҳуқуқий асослар соҳада тартибга солишнинг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олмаган ва уларда ҳар доим ҳам бир хил ёндашув мавжуд эмас. Ўз навбатида, давлат мулкини бошқариш жабҳасида бир қатор масалалар борки, бунинг учун амалдаги норматив базани янада такомиллаштириш ва уларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш талаб этилади.

Бинобарин, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя, таклиф, қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш доирасида, шунингдек, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мазкур қонун лойиҳаси тайёрланди.

У давлат мулкини, унга бўлган ҳуқуқлар давлат томонидан харид қилиб олинган вақтдан уларнинг тугатилганига қадар бошқариш тизимини яратишга йўналтирилган. Қонун лойиҳасида давлат мулкини бошқаришни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини чегаралаш, уларнинг давлат мулкини бошқариш соҳасида олиб бораётган сиёсати учун жавобгарлигини ошириш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан доимий тарзда стратегик аҳамиятга эга давлат мулки объектларини қисқа муддатли ёки узоқ муддатли истиқболда бошқариш бўйича дастур қабул қилиб борилиши аниқ белгилаб берилган. Мазкур дастурда давлат мулки объектлари бўйича алоҳида устувор мақсадлар ва уларга эришиш учун вазифалар кўзда тутилади.

Мазкур янги ҳуқуқий ҳужжат давлат тасарруфида фақат асосий эҳтиёжларни қондириш, аҳоли ҳуқуқлари ва саломатлигини ҳимоя қилиш, жамоатчилик тартибини сақлаш, давлат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда лозим бўлган мулкларни сақлаб қолишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлади.

Давра суҳбати давомида мавзуга доир таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**С. МАХСУМОВ.**

## АНЖУМАН

*Ички ишлар вазирлиги Академиясида “Ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фани бўйича талабалар Республика фан олимпиадаси якуний босқичи бўлиб ўтди.*

# Бўлажак ҳуқуқшунослар баҳси

Унда Тошкент давлат юридик университети, ИИВ Академияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таркибида ҳуқуқшунослик йўналишлари бўлган олий таълим муассасаларининг талаба ва тингловчилари ўзаро баҳс олиб боришди.

Иқтидорли тингловчи ва талабаларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий қобилиятини янада ривожлантириш мақсадида уюштирилган тадбирда иштирокчилар 4 та тур бўйича ўз билимларини синовдан ўтказишди. Якунда ИИВ Академияси 3-курс тингловчиси Шерали Муҳаммадиев биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар эса Тошкент давлат юридик университети 3-босқич талабаси Соҳибжон Ғаппаров ҳамда Ўзбекистон Миллий университети 3-босқич талабаси Анвар Жўраевга насиб этди.

— Ҳозирги глобаллашув даври ҳар бир кишидан ҳуқуқий билимларини бойитишни талаб этади, — дейди олимпиада ғолиби Ш. Муҳаммадиев. — Бу борада соҳага оид фан олимпиадасининг аҳамияти юқори. Зеро, у нафақат иштирокчилар билимини мустаҳкамлайди, айни чоғда юртимиздаги барча тенгдошларимизнинг соҳага бўлган қизиқишларини янада оширади.

Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тарихий меросимиз кўзгуси

*Музейлар аждодларимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилувчи, кўп минг йиллик илдизлар билан боғлаб, ўзлигимизни намоён этувчи беназир маънавий хазинадир.*

## ТАДБИР

Шу боис юртимизда музейларда сақланаётган, шонли ўтмишимиздан шаҳодат берувчи осориатиқалар ҳамда мустақиллигимиз одимларини ўзида акс эттирган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, келажак ворисларига бус-бутун етказишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ўтказилиб келинаётган музейлар ойлиги тадбирларида қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар, рассом ҳамда ҳунармандлар, халқ бадиий жамоалари, шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, халқаро санъат фестиваллари ва спорт мусобақалари ғолиблари иштирок этмоқда.

“Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот” мавзуидаги кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда музейлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларда сақланаётган осориатиқалар, ашёларни яқиндан ўрганиш, мазмун-моҳиятини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ёшларимизнинг ҳар томонлама етук авлод бўлиб камол топишида, уларда она-Ватанимизга бўлган чексиз ғурур ва фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Кўргазмадан бетакрор экспонатлар — суратлар, амалий, фото ва тасвирий санъат намуналари, ҳунармандчилик ва меъморий асарлар, миллий кашталар ўрин олган.

— “Музейлар ойлиги” доирасида ўтказилаётган маҳорат сабоқлари, айниқса, биз, ёшларга катта мактаб сифатида қадрлидир. Кўргазмада ноёб экспонатларни кўришга муяссар бўлдик, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Нодира Дадамуҳамедова. — Бу албатта, қадрият ва меросимизга бўлган ҳурмат туйғусини оширади, ўзлигимизни англашга даъват этади.

Тадбирда “Ниҳол” мукофоти совриндорлари ижросида концерт дастури намойиш қилинди.

**Д. СОДИҚОВ.**

## ЭЪЛОНЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188А/93

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 18 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қўштепа тумани СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2014 йил 20 февралдаги 1-705/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўштепа тумани, «Қўштепа» ҚФЙ, Боғбон кўчаси, 27-уйда жойлашган, тураржой майдони 125 кв.м., фойдаланиш майдони 139,5 кв.м. бўлган 0001-0013 литерлардаги уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 50 548 840 сўм.***

**2.** Боғдод тумани СИБ томонидан ЖИБ Боғдод тумани судининг 2012 йил 20 декабрдаги 1-335-сонли ва 2013 йил 24 апрелдаги 1-613/13-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Боғдод тумани, «Пахтаобод» ҚФЙ, Кенагас қишлоғида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 186,31 кв.м., фойдаланиш майдони 118,53 кв.м. бўлган, 0001 ва 0005-0011 литерлардаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 29 919 438 сўм.***

**3.** Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сўх тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 7-124-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, Риштон шаҳри, «Минор» МФЙ, Рошидоний кўчаси, Деҳқон бозори ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 57,60 кв.м. бўлган 17-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 16 368 879 сўм.***

**4.** Риштон тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2012 йил 20 сентябрдаги 15-12-05/30400-сонли, 2013 йил 17 январдаги 15-13-03/38789-сонли ва 2013 йил 8 ноябрдаги 15-13-09/21125-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Риштон тумани, «Оқ-Олтин» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган, «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ Риштон тумани шўъба корхонасига тегишли, умумий қурилиш ости майдони 462,66 кв.м., фойдаланиш майдони 760,16 кв.м. бўлган, 0001, 0001а литерлардаги икки қаватли тракторчилар ётоқхонаси биноси.

***Бошланғич баҳоси — 391 589 336 сўм.***

**5.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 27 майдаги 15-13-03/8336-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фарғона вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг Боғдод тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядига тегишли:

**5.1.** Боғдод тумани, «Самарқанд» ҚФЙ, Самарқанд қишлоғида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 263,47 кв.м., фойдаланиш майдони 197,26 кв.м. бўлган, 0001, 0002 литерлардаги биолаборатория бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 12 605 654 сўм.***

**5.2.** Боғдод тумани, «Матқулобод» ҚФЙ, Матқулобод қишлоғида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 363,91 кв.м., фойдаланиш майдони 263,42 кв.м. бўлган, 0001-0011 литерлардаги биолаборатория бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 17 096 517 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 16 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2014 йил 30 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:

Фарғона шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 21 январдаги 10-1317/12872-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Электртармоққурилиш» ОАЖга тегишли, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 250-уйда жойлашган, умумий майдони 26274,79 кв.м., фойдаланиш майдони 4217,80 кв.м. бўлган, «47-Мехжамланма» маъмурий бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 950 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 28 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

770R/90

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 17 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 28 февралдаги 10-1307/7167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 49-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4717 кв.м., бинонинг умумий майдони 4926 кв.м. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 600 000 000 сўм.***

**2.** Сергели тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 15 августдаги 1-3745-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчасида жойлашган, умумий майдони 46 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

**3.** Сергели тумани СИБ томонидан ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 2013 йил 21 октябрдаги 1-2763/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 299-уйда жойлашган, умумий майдони 929,50 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 57 187 500 сўм.***

**4.** Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 11 мартдаги 10-1412/2436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, Олой бозори марказий қисмида жойлашган, умумий ер майдони 127 кв.м., фойдаланиш майдони 108,85 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 659 750 000 сўм.***

2014 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙ, Оқ олтин маҳалласида жойлашган, умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган қурилиши битмаган дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

**II.** Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил қилади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., бўлган ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган, тўртта бино ва иккита ҳовуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги бинолар сони 11, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма, бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**5.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар сони 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб қайта таъмирланган дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм.***

**III.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган, икки қаватли ва ертўладан иборат нотураржой (свадебный салон).

***Бошланғич баҳоси — 1 673 820 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

769R/90

### «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2014 йил 20 июнь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 29 ноябрдаги 19-1307/15036-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, «Корвонград Термиз» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган яримтиркама рефрижератор, давлат рақами 75 1397 АА.

***Бошланғич баҳоси — 66 378 000 сўм.***

* Ангор тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 июндаги 19-1307/4116-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ОАТБ «Микрокредитбанк» Сурхондарё вилояти филиалида сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ISUZU NQR71PL» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 75 880 DAA, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.***

* 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ISUZU NQR71PL» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 75 775 DAA.

***Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.***

* Олтинсой тумани СИБ томонидан ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 10 январдаги 01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia sohs» русумли, давлат рақами 01 O 977 NA.

***Бошланғич баҳоси — 19 800 000 сўм.***

* Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги 1-394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia dohs GLBO» русумли, давлат рақами 75 O 374 CA.

***Бошланғич баҳоси — 31 360 000 сўм.***

* Жарқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 22 ноябрдаги 1-351-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли, давлат рақами 75 A 146 EA.

***Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.***

* Узун тумани СИБ томонидан ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 26 ноябрдаги 2-220-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 19 M 69 60, қисман соз.

***Бошланғич баҳоси — 3 570 000 сўм.***

2014 йил 4 июнь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Денов тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 02-80-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21011» русумли, давлат рақами 19 B 93 13.

***Бошланғич баҳоси — 3 570 000 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2014 йил 4 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 19 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

**Гувоҳнома № 004059.**

774R/165

# ЗАМОНАВИЙ, МАЛАКАЛИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “103” хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур тизим сўнгги йилларда қарийб 600 га яқин махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлашда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Энг муҳими, шошилинч тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркини бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бераётир. Эътироф этиш жоизки, ҳозир мамлакатимизда тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Швейцария каби мамлакатлардаги касбдошлари билан доимий ҳамкорликда самарали фаолият юритмоқдалар.

— Марказимиз энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини, ҳаттоки, даволаш-ташхис бўлимлари мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директорининг педиатрия ишлари бўйича ўринбосари Ҳилола Алимова. — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази реанимация, жарроҳлик, терапия, педиатрия йўналишлари бўйича 26 та клиник бўлимдан иборат бўлиб, 760 ўринга мўлжалланган. Ўткир миокард инфаркти, юрак коронар синдроми, ўткир гипертония, стенокардия, юрак ритми бузилиши, сурункали юрак етишмовчилиги, бактериал эндокардит хасталикларига дучор бўлган беморлар очиқ ва ёпиқ турдаги жарроҳлик услубларида даволанади. Бу ерда юрак ишлаб турган ҳолатида эндоваскуляр амалиёти, яъни юрак шоҳ томирларини стентлаш сингари ноёб жарроҳлик муолажалари йўлга қўйилган.

Бугунги кунда шошилинч тиббий ёрдам хизмати шифохоналарида республика бўйича жами 8200 нафардан ортиқ бемор ўринлари мавжуд. Ҳар йил 7,5 миллион мурожаат ҳолатларида фуқароларга шошилинч, шу жумладан, “103” хизмати томонидан 6 миллион нафардан ортиқ чақирувларга эса тез тиббий ёрдам кўрсатилган.

Бу кўрсаткичлар тизим салоҳияти, фаолиятининг изчиллиги ва кўлами кенглигини намоён қилибгина қолмай, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган шошилинч тиббий ёрдамнинг барча учун очиқлилиги, муассасаларда яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги ҳамда хизматларнинг сифатли ва замонавий эканлигидан далолатдир.



Шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг қисқа вақт ичида орттирган бой клиник ва илмий тажрибаси, тизимнинг ўзига хос ташкилий тузилмаси ва унинг бўлинмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш механизмлари чет эллик мутахассисларнинг қизиқишини уйғотмоқда. Буни эътиборга олган ҳолда, кейинги 14 йил давомида юртимизда шошилинч тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Шу йилнинг 22 май куни пойтахтимизда бўлиб ўтадиган “Шошилинч тиббий ёрдамнинг долзарб масалалари: болалар ўткир касалликлари ва жароҳатларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш масалалари” мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси ҳам тизимда замонавий ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтганда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Зотан, бу инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш мамлакатимизда доимий эътибор марказидаги масала бўлиб қолади, деганидир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ТАНЛОВ

*Пойтахтимизда «Энг намунали оила» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган оилалар қатнашди.*

# НАМУНАЛИ ВА АҲИЛ ОИЛАЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оиланинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари оилаларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, уларнинг моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мустақил ҳаёт қуриш остонасидаги ёшларнинг никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан тўлиқ ўтишини таъминлаш, бу борадаги тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, тўй-маросимларда исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ёш авлод онгу шуурида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни мустаҳкам қарор топтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтиришга оид бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган «Энг намунали оила» кўрик-танлови босқичларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги 9 мингдан ортиқ оилалар иштирок этди.

Танлов якунига кўра, Нукус шаҳридаги 7-«Шоирлар овули» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Буркит Пиязов оиласи, Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги «Ҳофқориён» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Мақсуд Норов оиласи, Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги «Тошариқ» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Мурoджон Юсупов оиласи биринчи ўринга лойиқ топилди. Шу билан бирга, ўндан ортиқ номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

*Оила — жамиятнинг асосий бўғини, муҳим таянчи. У жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ҳамда тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, айниқса, оналик ва болаликнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ушбу қоида ва тартиблар қатъий белгилаб қўйилган.*

# Ёшлар учун муносиб туҳфа

Соҳага оид қонунчилик талабларини ҳаётга татбиқ этиш ва уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича юртимиз адлия идораларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, никоҳланувчи ёшларни оилага тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида ҳудудларда замонавий иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилаётганлиги юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш имконини бермоқда.

Халқаро оила куни ҳамда Соғлом бола йили муносабати билан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ФҲДЁ бўлими янги биносининг очилиши ҳудуд аҳолиси, айниқса, ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ оила институтининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Республикамиз миқёсида жорий йилнинг биринчи чорагида 54 мингдан ортиқ, пойтахтимизда 3 мингта янги никоҳлар қайд этилгани юртимизда оила институти тобора такомиллашиб бораётганлигининг ёрқин далилидир. Адлия органларининг ФҲДЁ бўлимлари ҳамда Никоҳ уйлари қошида “Ёш оила қурувчилар” мактаби фаолияти изчил йўлга қўйилгани эса ёшларни оилага тайёрлаш, асосийси, ёш оила қурувчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу ўринда мазкур тадбирларда соҳа мутахассислари томонидан оила қадриятларини сақлаш, анъаналарига риоя этиш ва мустаҳкамлашда йигит-қизларнинг малакасини кучайтиришга оид тарғибот ишларининг самарали олиб борилаётганини қайд этиш жоиз. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимиз бўйича ўтказилган 1380 та шу каби машғулотларда 80 мингдан зиёд ёшлар қатнашди.

— Бугун Адлия вазирлиги тизимидаги ФҲДЁ органларининг моддий-техник базаси замонавий талаблар асосида мустаҳкамланаётгани диққатга сазовор, — дейди Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Озода Абдуазизова. — Фойдаланишга топширилган ушбу бино шинам ва ҳар томонлама қулайлиги билан ажралиб турибди. Айниқса, бу ерда тантанали маросимлар зали, она ва бола, ҳужжатларни сақлаш ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатиш хоналарининг ташкил қилингани, ўз навбатида, аҳолига малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишимизда қўл келади.

Тадбир давомида оила қураётган ёшларнинг никоҳлари қайд этилди.

**Зиёда АШУРОВА.**


## ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

**I.** 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 316 914 723 сўм.***

**II.** 0013-литердаги майдони 792,36 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси —279 336 499 сўм.***

**III.** 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.

***Бошланғич баҳоси —363 451 500 сўм.***

**IV.** 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 330 393 826 сўм.***

**V.** 0016-литердаги майдони 1008,25 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 248 707 630 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ҳақиқат маҳалласи, Деҳқон бозори ёнида жойлашган, умумий майдони 742,95 кв.м., қурилган жой участкаси 742,95 кв.м. бўлган «Шоакбар» ресторани ва савдо дўкони ундаги ускуналари билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 439 724 365 сўм.***

**VII.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 964 757 490 сўм.***

**VIII.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 754 775 943 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

775R/1453

Хизматлар лицензияланган.



**«Қибрай»**

***клиник санаторийси***

**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

***Манзилимиз:***

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**

***Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.***

47/6

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ**

**кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади:**

**Хореография кафедраси бўйича:**

ўқитувчи — 1 ўрин.

**Санъат тарихи ва назарияси кафедраси бўйича:**

ўқитувчи — 1 ўрин.

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.*

**Манзил: 100031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91. Факс: (8-371) 256-24-36.**

649R/334

***Ректорат.***


## ФУТБОЛ

*Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.*

# «Камолот» кубоги»

## барчада катта таассурот қолдирди

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан юртимиздаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида футбол бўйича “Камолот” кубоги” турнири ташкил этилди. Дастлабки босқичларда муваффақиятга эришган Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти жамоалари мусобақа финалида ўзаро куч синашди.

“Пахтакор” марказий стадионида ўтказилган мазкур баҳс ёшлар учун ўзига хос байрамга айланиб кетди. Чунки шу куни майдонга келган йигит-қизлар нафақат футбол томоша қилишди, балки санъаткорлар томонидан ижро этилган концерт дастуридан ҳам баҳраманд бўлишди.

Бош соврин учун кечган ўйин тафсилоти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, унда дастлаб Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ҳисобни очди. Аммо кейинчалик улар иккита тўп ўтказиб юбориб, ғалабани бой беришди. Шу тариқа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти футболчилари “Камолот” кубоги”ни қўлга киритди. Мусобақада учинчи ўрин Гулистон давлат университети вакилларига насиб этди.

Энг муҳими, ёшлар “Пахтакор” марказий стадионидан бир олам таассурот билан қайтишди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий тадқиқотлар институти жамоаси бўлим бошлиғи

**Расул Ходжиевич ИСЛАМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзтранссаноат” автотранспорт саноат корхоналари республика уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раиси Аҳматжон Ҳамидовга волидаи муҳтарамаси

**НАЗИРА онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.**
**Навбатчи — М. Холматова.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.20** 1 2 3 4 5